

Гулчеҳра ШАҲОБИДДИН қизи

ТУГАЛЛАНМАГАН ПАРВОЗ

(хотира, эссе)

**Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент-2008**

«Бир йигит қирқ йилда бунёд бўлади», дейишади. Ҳақиқий йигитлар эса элнинг, юртнинг бебаҳо бойлиги, фахри-ғурури. Бундай йигитларнинг аксарияти ҳарбий соҳани танлашлари ҳам ўз-ўзидан тушунарли.

Таниқли ижодкор Гулчеҳра Шаҳобиддин қизининг мазкур китоби ҳарбий учувчиликни қисмат деб билган ёш йигит, унинг ибратли воқеа-ҳодисаларга бой ҳаёти ҳақида. Китобни мутолаа қилиш жараёнида ўқувчида Ватанимизнинг шундай ботир фарзандлари билан фахрланиш туйғуси пайдо бўлади.

ISBN 978-99-43-06-169-9

© Гулчеҳра Шаҳобиддин қизи
© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

Kitobxon.Com

ВАТАН ТУЙҒУСИ

Биз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни, Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболаринг ҳоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, химоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ, деган тушунчани уларнинг қалбига, онгу шуурига сингдиришимиз даркор.

И.Каримов

Эл орасида шундай бир ривоят юради:

Кунлардан бир куни мамлакатни ёв босибди. Аҳолини тиғдан ўтказиб, юртни талаб вайрон этибди. Ёв аскарлари қирғиндан омон колган бир аёлни икки нафар фарзанди билан асир олиб ўз шоҳлари олдига олиб келибди. Асирларни олдига олиб кирган мулозим, шоҳга она ўз фарзандларини ҳаддан зиёд яхши кўришини, улар учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр эканлигини билдирибди. Босқинчи шоҳ онани синаб кўрмоқчи бўлибди ва онага қарата дебди:

«Сени эмас, ўғлингни ўлдирмоқчиман, чунки у катта бўлса қасосга бел боғлаши мумкин. Бироқ сен фарзандинг учун чаросдек чиройли кўзингни ўнгини берсанг ўғлингни ўлдирмайман».

– *Кўзим керак бўлса ўйиб ол, лекин боламни ўлдирма, –* дебди она.

– *Жаллод, онанинг ўнг кўзи ўйилсин, –* деб буюрибди шоҳ.

Жаллод онанинг ўнг кўзини ўйиб олибди. Лекин онадан «инг» деган садо чикмабди.

– Энди, чап кўзингни берсанг қизинг ҳам омон қолади, – дебди шох.

Она ҳеч иккиланмай чап кўзини ҳам беришга рози бўлибди. Жаллод онанинг чап кўзини ҳам ўйиб олибди. Онаизор шу йўл билан икки дилбандини сақлаб қолибди. Бу орада шу юртнинг Ватанпарвар кишилари душманга қарши озодлик курашини бошлабдилар ва ғалабага эришибдилар. Она меҳрига, жасоратига бош эгган юрт аҳолиси онани юрт бошлиғи этиб сайлабдилар. Ўғил онага ўнг кўзи, қиз эса чап кўзи бўлибди. Улар узоқ яшабдилар, юртда тинчлик ва адолат ўрнатибдилар.

Дарҳақиқат, Ватан... Бу қандай сеҳрли маконки, уни деб халқлар қўлига қурол олади?

Унинг қандай жозибаси борки, эгалари бегоналарга бергиси келмайди?

Унинг қанақа қуввати борки, ҳимоясига халқлар жонларини тикадилар. Тангри Таолонинг улуғ неъматини бўлмиш ҳаётларини қурбон берадилар?

«Ватанни севмоқлик – имондандир», дейилади, муқаддас битикларда. Демак, босқинчиларга, мустамлакачиларга қарши курашганлар энг аввало имони учун жон берганлар ҳисобланади. Имонсизда ор-номус бўлмайди. Ор-номуси йўқ кимсалар Ватанларини-да осонгина сотадилар. Шукр-ки, бизларнинг озод яшашимиз учун жон фидо қилган имонли боболаримиз, Ватанга ўз садоқати ила ўрناق бўларли аждодларимиз бор. Уларнинг миллий озодлик учун, Ватаннинг бир парча ерини душман қўлига бериб қўймаслик учун олиб борган курашлари биз авлодларни мағрур қилади.

Инсонлар қалбидаги Ватан меҳри олий кадриятлардан ҳисобланади. Ўз Ватанини севмаган миллатнинг кадрига етмаган ўзганинг ҳам, башариятнинг ҳам қурраи замин ободлигининг ҳам кадрига етмайди.

Бу ҳам ҳақиқат.

Демак, Ватанга садоқат ҳақиқатга садоқатнинг, миллатга меҳр аҳли башарга меҳрнинг ибтидосидир. Бусиз на адолат ғалаба қилади, на ҳақиқат юзага чиқади, на инсоннинг ўз шахсига эҳтироми шаклланади. Чунки Ватан меҳрини йўқотган шахс оёғи остидаги заминни йўқотади, гўё таянчсиз муаллақ қолади. Ватанга муҳаббат аждодлар меросига қизиқиш, миллий маънавиятдан баҳрамандлик, ўз шахсий салоҳиятига ишонч, умумбашариятга ҳурмат, келажак олдида масъуллик туйғуларини тарбиялайди.

Маълумки, «**Ватан**» атамаси арабча сўз бўлиб, у «Она юрт» деган маънони англатади. Бинобарин, Ватан бу кишининг туғилиб ўсган жойи. Ватан бу – киши ўзини унинг фуқароси деб ҳисоблаган мамлакат, она юрт. Ватан бу – кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри, қишлоғи.

Ватан бу – кишининг турар жойи, бошпанаси уйи. Ватан бу – боболаримиз, момоларимиз, бутун аждодларимиз киндик қони тўкилган яшаган ва дафн этилган макондир. **Ватан бу – Аллоҳ инояти** билан ҳар бир миллат, элатга берилган баҳоси йўқ неъмат. Ундан аъло нарса йўқ. **Ватан бу – халқнинг ўтмиши**, бугуни ва келажакдир. Бу унинг маданияти, маънавияти, маърифати, тили, дини, феъл-атвори, ота-боболаридан қолган олтин мероси, томирларида гупуриб турган, аждоддан-авлодга ўтиб келаётган покиза қони, тарихидаги муҳим босқичлар, бирон давлат қуриш мақсадида олиб бораётган курашидир.

«**Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун, инсон ҳаётини қилур бемазмун**», дейди форс шоири М.Салмон Савоҳий. Дарҳақиқат Ватандан ташқарида ҳақиқий бахт йўқ.

Ўзбек халқи азалдан ўз Ватанига – Ўзбекистонига, Туркистонига, Туронига эга бўлган, ҳеч қачон беватан бўлган эмас. Лекин тарихдан маълумки, ҳаёти ҳамиша ҳам осуда кечавермаган. Унга гоҳ бахт кулиб боққан, гоҳо иқболи забун бўлган. Ўз эрки ўз қўлида бўлган, яъни мустақил давлатли давронларда халқимиз бо



шини мағрур кўтариб, дунёга доврўғ солиб яшаган. Тоъбелик кунларида, яъни юрт ўзгалар қўлига қарам бўлган чоғида унинг кадр-қиммати топталган. Аммо ўз кадр-қиммати учун кураш, мустақиллик учун кураш туйғуси халқимиз юрагида мудом устивор бўлган. Бу жараён зоҳирий ва ботиний тарзда бир дам бўлсинки, тўхтаб қолмаган.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинган, Ватаннинг кадри орти, халқнинг қадди тикланди. Ватан деган муқаддас тушунчадаги сохталиклар барҳам топиб, моҳият аниқлашди ва тиниқлашди.

ИСТИҚЛОЛ – БУЮКЛИККА ЭЛТАР

Тарихга назар ташласак, ер шарининг турли бурчакларида минг-минг йиллар илгари халқлар озодлик учун курашиб келганининг гувоҳи бўламиз. Бу курашларнинг шакли турлича, аммо моҳияти битта: хурриятга етишиш, истиқлолга эришиш бўлган.

Кечагина биз яшаган XX аср бугун тарих саҳифаларига зарҳал харфлар билан ёзилди. Фактлар, маълумотлар далолат бериб турибди: шу аср бошқа асрларга қараганда, воқеаларга бой бўлди. Буюк ўзгаришлар содир бўлди. Энг муҳими, интиҳосида биз, ўзбеклар учун ҳам бахтли – буюк воқеа содир бўлди. 1991 йилнинг 31 август куни биз яшаётган муқаддас заминда, муқаддас юртда **АДОЛАТ ОФТОБИ** балқиб чикди. Мангуга чикди. Шу кундан эътиборан юртимизга – мамлакатимизга тенглик келди, ўзаро ҳурмат, кадр келди, эркин ўйлаш, завқ билан ишлаш, ширин даврон суриш келди. **Дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси деган давлат пайдо бўлди.**

Шу ўринда бир савол туғилади: хўш, мустақиллик ўзи нима? Мазмун-моҳияти нимадан иборат, вазифалари қандай?

Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов шундай таъкидлайди:

– Биз учун мустақиллик – энг аввало, ўз тақдиримизни қўлга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу Ватанда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳр-оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик – Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда

яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол – миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкати кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаро учун миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар – эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.

Мустақиллик – тенгликдир, одамлар ўртасида тенглик, халқлар ўртасида тенглик, давлатлар ўртасида тенглик. Тенглик бор жойда одамларнинг муносабатида бир-биридан устунлик бўлмайди,



давлатларнинг бир-бирига муносабатида устунлик бўлмайди.

Истиқлол – ҳурмат бу, истиқлол –қадр бу! Умуминсоний кадриятларга таяниб яшамок демак!

Ҳуррият – халқларнинг бир-бири билан самимий муносабатда бўлиши, давлатларнинг бир-бири билан дўстона алоқа ўрнатишидир.

Мустақиллик дунё ҳамжамиятидан ажралиш дегани эмас. Мустақиллик дунё муаммолари, ўз тақдири тўғрисида қайғуриш, жон куйдириш, фидойилик кўрсатишдир. Шоир шундай ёзади:

*Юрт ишқида ёнмас юрак – юрак эмас,
Юрт қадрини билмаганлар керак эмас,
Эрка сажда қилмаганлар керак эмас,
Фидойилар керак бизга, фидойилар.*

Мустақил одамда эркин дунёқараш, эркин тафаккур бўлади. Мустақил одамни енгиб бўлмайди, эгиб бўлмайди. Бундай одамга тобелик тамоман бегона.

Мустақиллик – ҳамкорлик, ҳамжиҳатликдир. Бу ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларда, умуман ҳар томонлама алоқаларда ўз аксини топади.

Мустақиллик – ҳаракат, мустақиллик – интилиш, мустақиллик – қобилиятдир.

Мустақилликка эришганимизга ўн олти йил тўлди. Ўн олти йилдирки, шу неъматдан – **АДОЛАТ ОФТОБИ** нуридан баҳрамандмиз. Хўш, нималарга эришдик?

Биринчидан, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, барча табиий, минерал хомашё бойликларимиздан, мамлакатнинг бутун салоҳиятидан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Иккинчидан, сохта ғоя, маъмурий буйруқбозликка қурилган тузум барҳам топиб, миллий истиқлол ғояси асосида демократик давлат барпо этилди.

Учинчидан, Ўзбекистон деган давлатнинг пайдевори қурилиб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамляпмиз.

Тўртинчидан, иқтисодиёт йўлга солинди, молия, пул муомаласи, ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилма такомиллаштирилди. Мукамал бошқарув тизими яратилди. Маънавиятимизга, ахлоқий кадрларимизга эътибор кучайди.

Бешинчидан, ташқи сиёсатда ҳам, ички сиёсатда ҳам ўз ўзбекона йўлимизга эга бўлдик.

Олтинчидан, Ватанимизнинг ишончли қўлларини миллий армиямиз профессионал тарзда шаклланди. Давлатда ҳавфсизлик ва жамоат тартибини таъмин этувчи мутлақо янги асосдаги тизим яратилди.

Еттинчидан, тарихимиз ўзимизга қайтди, динимиз ўзимизга қайтди.

Саккизинчидан, тинчликка, барқарорликка эришдик, фуқаролараро, миллатлараро ҳамжиҳатликка эришдик.

Тўққизинчидан, шаҳарларимиз қиёфаси ўзгарди, қишлоқларимиз қиёфаси ўзгарди. Шинам, кўркам иншоотлар, бинолар қад ростлади, ростлаяпти.

Ўнинчидан, одамларимиз ўзгарди, уларнинг дунёқараши, тафаккури ўзгарди. Мустақил юрт фуқаролари пайдо бўлди. Улар янгича фикрламоқда, ишга фидойиларча муносабатда бўлишмоқда.

Ўн биринчидан, ҳар бир инсон, ҳар бир оила, айниқса, ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш юксак даражага кўтарилди. Кексалар – иззатда.

Ўн иккинчидан, ғалла мустақиллигига эришдик. Ўзбек бободехқони етиштираётган ғалладан тандир тўлиб нон ёпилмоқда.

Ўн учинчидан, ўз автомобилсозлигимизга эга бўлдик. Кўчаларимизни тўлдириб «Нексия», «Ласетти», «Дамас», «Тико», «Матиз» ларимиз кезиб юрибди.

Ўн тўртинчидан, ўзбек спортчилари дунё миқёсида улкан ғалабаларни қўлга киритишмоқда. Шахмат бўйича Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони бўлди. Афсонавий боксчимиз Руслан Чагаев профессионал боксчилар ўртасида шоҳсупага кўтарилди.

Ўн бешинчидан, барча соҳаларда ислохотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўн олтинчидан, мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳонда обрў-эътибори ортиб бормоқда.

Бизни олдинда эзгу, буюк ишлар кутмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидай: **«Ўзбекистон – келажаги буюк давлат»**.

Шуни ишонч билан, фахр билан айтамикки, истиқлол бизни буюкликка элтади.

МЕН:



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1084> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1084> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1084>